

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

**Иқтисодиёт мактаби асосчиси
И.Т.Абдукаримовнинг 85 йиллик
юбилейига бағишланади**

**«ИҚТИСОДИЁТНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»**

**мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий
конференция**

МАТЕРИАЛЛАРИ

(IV - қисм)

(2017 йил 24-25 февраль кунлари)

САМАРҚАНД – 2017

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари / 2017 йил 24-25 февраль кунлари. Республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари (IV-қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2017. – 252 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:

Иқтисод фанлари доктори, профессор – М.Қ.Пардаев

Нашр учун масъуллар:

М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Қ.Ж.Мирзаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Б.А.Абдукаримов – иқтисод фанлари номзоди, профессор

Х.И.Турдибеков – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш муаммоларига оид масалалар ёритилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, мазкур соҳада менежмент, маркетинг ва молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш ва шулар орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал қилиш бўйича илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақолалар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, катта илмий ходим-изланувчилар ва соҳа мутахассисларга мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2017

VI ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА АЛОҲИДА ТАРМОҚЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКАНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

К.Б. Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
О.Эсонов – СамИСИ магистранти

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ КЎРСАТКИЧЛАРИ АУДИТИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларини қўшилган қиймат солиғига тортишдаги муҳим характерли жиҳатлардан бири бўлиб хизматлар айрим турларининг ушбу солиққа тортилмаслиги, айримларининг 0 (ноль) ставкада солиққа тортилиши ва бошқа бир турларининг эса унга тўлиқ тортилиши ҳисобланади.

Республикамиз Солиқ кодекси (208-модда)га мувофиқ қуйидаги хизмат турлари қўшилган қиймат солиғига умуман тортилмайди:

- * юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқлар берилганда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат божи, патент божи, йиғим ёки бошқа тўловлар ундириладиган хизматлар;

- * мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялашга доир хизматлар;

- * беморлар ва кексаларни парвариш қилишга доир хизматлар;

- * дафн этиш бюрolari ва қабристонларнинг маросим хизматлари, диний ашёларни реализация қилиш, диний ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг удумлар ва маросимлар ўтказишга доир хизматлари;

- * протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун мўлжалланган инвентарлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган буюмлар ва инвентарлар, шунингдек ногиронларга кўрсатилаётган ортопедик протезлаш хизматлари, протез-ортопедия буюмлари ва ногиронлар учун мўлжалланган инвентарларни таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланишга доир ишлар бўйича хизматлар;

- * алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари;

*шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шунингдек темир йўл ва умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари.

*олий, ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларида, шунингдек кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларда таълим беришнинг ҳақ эвазига ўқитишга доир қисми бўйича хизматлар;

*тиббий хизматлар (косметология хизматлари бундан мустасно) ва ветеринария хизматлари.

*ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш юзасидан бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида амалга ошириладиган хизматлар, шу жумладан аэронавигация хизмати;

*санаторий-курорт, соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг хизматлари.

* босма маҳсулотлар, шунингдек босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш билан боғлиқ таҳририй, матбаа ва ноширлик ишлари (хизматлари).

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг, унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир маҳсулот ва хизматлар;

*Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) юридик шахслар оладиган, шунингдек грантлар ҳисобига олинган товарлар (ишлар, хизматлар);

*уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар.

*ваколатли давлат органининг ихтисослашган экспертиза бўлинмалари ўтказадиган экологик экспертиза хизматлари;

*давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари;

*ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлов бўлинмалари хизматлари;

*телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техника воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

* давлат мулкани ижарага бериш бўйича хизматлар.

*оммавий ахборот воситаларини ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари.

Республикамиз Солиқ кодекси (217-модда)га асосан сув таъминоти,

канализация, санитария тозалаш, иссиқлик таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларга, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳоли номидан оладиган, шунингдек идоравий уй-жой фонди уйларида яшаётган аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари томонидан олинadиган ана шундай хизматларга ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Айрим хизмат турларининг ҚҚСга тортилиши ёки ноль ставкада тортилиши, хизматларнинг бошқа бирларини эса ушбу солиққа тортилмаслиги аралаш турдаги хизматларни кўрсатувчи субъектларда сотишдан олинadиган ҚҚС ва бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммалари ҳисоб-китоби аудитида ҳам ўзига хос ёндашишни талаб этади. Чунончи, аудитда ҚҚСга тегишли барча кўрсаткичлар тизимли кетма-кетликда бир-бири билан узвий боғлиқликда текширилиши лозим бўлади.

Республикамиз Солиқ кодексига мувофиқ ҚҚС бўйича бош кўрсаткич бўлиб бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси ҳисобланади. Айнан ушбу кўрсаткич солиқ тўловчининг бюджет олдидаги мажбуриятини ифода этади. Ушбу мажбурият суммасининг реаллиги, бир томондан, буюртмачилардан ундириладиган ҚҚС суммасини, иккинчи томондан, зачет қилинган (камайтиришга олиб борилган) ҚҚС суммасини тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигига, учинчи томондан, юқоридаги иккита кўрсаткич асосида бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини арифметик тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигига бевосита боғлиқ.

ҚҚС кўрсаткичлари ҳисоб-китобларига доир юқорида изоҳи берилган хусусиятлар улар аудити дастурида ушбу кўрсаткичларни обдон текширишга қаратилган қуйидаги муолажаларни кўзда тутишни ҳамда уларни тизимли амалга оширишни зарурат қилиб қўяди.

Биринчидан, аудит дастурига, авваламбор, ҚҚСга тортиладиган ва тортилмайдиган фаолият турлари кесимида соф тушум реаллигини текшириш муолажаларини киритиш керак. Ушбу аудит муолажасини муваффақиятли бажарилишининг муҳим шарти бўлиб ҚҚСга тортиладиган ва тортилмайдиган фаолият турларидан олинган соф тушум тўғрисидаги ахборотларни тегишли счётларда акс эттириш ҳисобланади. Мазкур счётларнинг мавжудлиги ва уларда ҚҚСга тортиладиган ва тортилмайдиган фаолият турларидан олинган соф тушум тўғрисида ахборотларни ҳужжатли асосда шакллантирилиши харидорлардан (буюртмачилардан) ундирилган ҚҚС суммаси ҳисоб-китоби реаллигини текширишни анча енгиллаштиради. Чунончи, аудиторлар ҚҚСга тортиладиган фаолият турлари бўйича соф тушум суммасини 20 %га кўпайтириш ва олинган натижани 100 %га бўлиш орқали сотишга тўғри келадиган солиқ суммасини ўзлари топадилар (1-жадвалга қаранг).

1-жадвалдаги шартли маълумотлар автодилерлик ва автосервис хизматларни кўрсатувчи «Самарқанд-Автотеххизмат» АЖ мисолида келтирилган. Ушбу субъект «Ўзавтотеххизмат» ОАЖга кирувчи

1-жадвал

«Самарқанд-Автотеххизмат» АЖ бўйича сотиш ҳажми ва ҚҚС
суммаси ҳисоб-китоби

Сотиш тури		Аудит текшируви бўйича		
1	Номи	Даромад суммаси, минг сўм	ҚҚС ставка, %	ҚҚС суммаси, минг сўм
1	Автомобилларни сотиш бўйича дилерлик ҳақи	1560420	20	312084
2	Эҳтиёт қисмларни сотиш бўйича дилерлик ҳақи	356250	-	0
3	Автомобилларга кўрсатилган сервис хизматлар	645623	-	0
4	Ижарадан даромад	12000	20	2400
5	Бошқа активларни сотишдан даромад	1667	20	333
6	Жами	2575960		314817

корхоналар сафида республикамизнинг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг 2008 йил 21 февралдаги ПҚ-800 қарори¹ билан «Женерал-Моторс Ўзбекистон» ЁТАЖнинг барча дилерлари сифатида ушбу компания машиналари учун эҳтиёт қисмларни сотиш, компания томонидан чиқарилган автомобилларга сервис хизматларни кўрсатиш фаолияти бўйича ҚҚСдан тўлиқ озод этилган. «Женерал-Моторс Ўзбекистон» ЁТАЖнинг барча дилерлари автомобилларни сотишдан оладиган дилерлик ҳақи (маржа), шунингдек счёт-маълумотлар ва реклама воситалари («Автомобилист» ва Авто-Олам» журналлари), шунингдек бошқа активларнинг сотиш қиймати ҳамда бошқа фаолият турларидан ҚҚС тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Сотишдан олинган ҚҚС суммасини ДСИга топширилган ҚҚС ҳисоб-китобининг тегишли кўрсаткичи, шунингдек сотишдан олинган ҚҚСни акс эттирувчи счётнинг суммаси билан таққослаш ҳисоб-китобларда хатоликларга йўл қўйилганлик ёки йўл қўйилмаганликни аниқлашга имкон беради.

Иккинчидан, аудит дастурига, камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси реаллигини текшириш муолажаларини киритиш керак. Маълумки, камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси реаллиги, бир томондан, таъминотчилардан олинган товар-моддий бойликлар (иш ва хизматлар)нинг ҚҚСга тортилиши ёки тортилмаслигига, улар учун ҳақиқатда тўланган ёки тўланиши керак бўлган ҚҚС суммасини тегишли ҳужжатлар (счёт-фактуралар, тўлов топшириқномалари ва бошқалар)

¹ «Женерал-Моторс Ўзбекистон хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташкил қилиш тўғрисида»

билан тасдиқланганлигига боғлиқдир. Республикамизнинг 21-сон БҲМСга¹ мувофиқ камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммасининг тизимли ҳисоби 4410 «Бюджетга бўнак тўловлари» счётида юритилади. Аудиторлик текширувида камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммасини ушбу солиқ ҳисоб-китобида ҳамда 4410 «Бюджетга бўнак тўловлари» счётада тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун дастлаб ҳисобот даврида барча таъминотчилардан олинган счёта-фактуралар реестрини солиқ қонунчилиги ҳужжатларида келтирилган шаклда тақдим этилишини талаб қилишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Шундан сўнг, 1-жадвал ва реаллиги обдон текширилган счёта-фактуралар реестри маълумотлари асосида камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС реал суммаси ҳисоб-китобини аниқлаш учун қуйидаги шаклдаги аудитор иш ҳужжатини тузишни мақсадга мувофиқ деб биламиз (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

«Самарқанд-Автотеххизмат» АЖ бўйича камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси ҳисоб-китоби

Тўлов тури		Аудит текшируви бўйича		
1	Номи	Тўлов суммаси, жами, минг сўм	Шундан ҚҚС, минг сўм	ҚҚСсиз тўлов суммаси, минг сўм
1	Капитал таъмирлашга керакли материаллар учун тўловлар	28800	4800	24000
2	Хизматлар учун тўлов	72000	12000	60000
3	Жами тўлов	100800	16800	84000
4	ҚҚСга тортиладиган даромаднинг жами даромаддаги улуши	х	61,1%	х
5	ҚҚСга тортилмайдиган даромаднинг жами даромаддаги улуши	х	38,9 %	х
6	Камайтиришга олиб бориладиган ҚҚСнинг суммаси (3*4/100%)	х	10265	х
7	Камайтиришга олиб борилмайдиган ва харажатга киритиладиган ҚҚСнинг суммаси (3*5/100%)	х	6535	х

Камайтиришга олиб бориладиган ҚҚСнинг аудитор томонидан аниқланган суммасини ДСИга топширилган ҚҚС ҳисоб-китобининг тегишли кўрсаткичи, шунингдек таъминотчиларга тўланган ҚҚСни акс эттирувчи 4410 «Бюджетга бўнак тўловлари» счёта-фактураларнинг суммаси билан таққослаш камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммасидаги ҳисоб-китобларда хатоликларга йўл қўйилганлик ёки йўл қўйилмаганликни аниқлашга имкон беради.

Учинчидан, аудит дастурига, бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси

реаллигини текшириш муолажаларини киритиш керак. Ушбу кўрсаткич, бюқорида келтирилган иккита кўрсаткичнинг фарқи сифатида аудиторлар томонидан арифметик ҳисоб-китоб қилиниши лозим.

Тўртинчидан, юқоридаги аудиторлик муолажалари натижаларини кўргазмали тарзда ифодалаш мақсадида ҚҚС кўрсаткичлари ҳисоб-китобидаги четланишни қуйидаги жадвал кўринишида расмийлаштириш тавсия этилади (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

«Самарқанд-Автотеххизмат» АЖ бўйича ҚҚС кўрсаткичларини текшириш натижалари жамлама қайдномаси

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Корхона маълумоти бўйича	Аудит текшируви бўйича	Чет- ланиш
1. Сотишдан ҚҚС	минг сўм	316484	314817	+1667
2. Камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС	минг сўм	12400	10265	+2135
3. Бюджетга тўланадиган ҚҚС	минг сўм	304084	304552	-468

Юқоридаги аудиторлик муолажалари натижаларини акс эттирувчи 3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, текширув ўтказилган корхонада бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси 468 минг сўмга кам қилиб ҳисобланган. Ушбу кам ҳисоблашлар қуйидаги омиллар эвазига юз берган:

(1) сотишдан олинган ҚҚС суммасини 1667 минг сўмга кўп қилиб ҳисобланиши эвазига;

(2) камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммасини 2135 минг сўмга кўп қилиб ҳисобланиши эвазига

(3) умумий фарқ суммаси ($1667 - 2135 = - 468$).

Фикримизча, аудиторлик текшируви дастурига юқоридаги муолажалардан ташқари сотишдан олинган ҚҚС, камайтиришга олиб борилган ҚҚС, бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаларини акс эттирувчи бухгалтерия ёзувдаги хатоликларни ёки четланишларни, шунингдек бошланғич ҳужжатлар ва улар реестрларидаги, бухгалтерия баланси ва Бош китобда очилган счётларда акс эттирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар реаллигини текширишга оид муолажалар ҳам киритилиши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида ҚҚС кўрсаткичларини аудиторлик текширувларини ўтказишда юқоридаги методологик тартибларга амал қилиш ушбу муҳим давлат аҳамиятига молик солиқ бўйича фойдаланувчиларни реал ахборотлар билан таъминлашга, шу асосда уларнинг корхоналар ҳисоб ва ҳисобот тизимида ишончини ошишига имкон беради.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ИЧКИ АУДИТ СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитнинг самарадорлигини ошириш ўз навбатида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва мамлакат иқтисодиётини тараққий этишига муҳим аҳамият касб этади.

Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни такомиллаштириш учун биринчи навбатда, уларнинг муайян ҳолатда фаолият юритиши учун дастури керак бўлади, бунинг учун, миллий ва халқаро аудит стандартларидан фойдаланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит миллий стандартларини ишлаб чиқиш лозим (1-жадвал).

1-жадвал

Ички аудит стандартларининг умумий кўриниши¹

№	Стандартларнинг номи	
СТАНДАРТНИНГ СИФАТ ТАВСИФИ		
1000	Мақсади ҳуқуқи ва мажбуриятлари	
	1010	Ички аудит тушунчаси, этика кодекси ва стандартларнинг ички аудит тўғрисидаги низомда тан олиниши
1100	Мустақиллик ва объективлик	
	1110	Ташкилий мустақиллик
	1111	Кузатув кенгаш билан бевосита ўзаро таъсир
	1120	Индивидуал объективлик
	1130	Мустақиллик ва объективликка салбий таъсир этувчи омиллар
1200	Малакали ва иш жараёнига профессионал ёндашув	
	1210	Профессионаллик
	1220	Ишга профессионал муносабат
	1230	Узлуксиз профессионал ривожланиш
1300	Кафолат ва ички аудит сифатини ошириш дастури	
	1310	Сифатни ошириш ва кафолат дастури талаблари
	1311	Ички баҳолар
	1312	Ташқи баҳолар
	1320	Сифатни ошириш ва кафолат дастури бўйича ҳисобот
	1321	“Халқаро ички аудит профессионал стандартларига мувофиқ” иборасидан фойдаланиш
	1322	Номувофиқлик тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш
ФАОЛИЯТ СТАНДАРТЛАРИ		
2000	Ички аудит жараёнини ташкил қилиш	
	2010	Режалаштириш
	2020	Режаларни тақдим этиш ва тасдиқлаш
	2030	Ресурсларни бошқариш
	2040	Сиёсат ва жараёнлар
	2050	Фаолиятни мувофиқлаштириш

¹ Халқаро ички аудиторлик стандартлари. М.: Халқаро ички аудиторлар институти. 2004, 16-б.

Мамажанова С.В., Қодирова У.	Туристик фирма фаолиятининг бошқарув тизими	133
Навруз-Зода Л.Б.	Инновационная модель развития туристического предпринимательства	135
Абдухамидов С.А.	Туризм: моҳияти, бозори ва маҳсулоти	138
Бекжанов Д.Й., Ташназаров С.А.	Хоразм вилояти туризм индустриясини ривожлантиришда кластерли ёндашувни қўллашнинг аҳамияти	141
Rajabov A.X.	Mintaqa turizm sohasining bugungi holati	144
Ўразов С.	Таълим хизматларини бошқариш тизи- мини такомиллаштириш йўналишлари	147
V ШҶҒБА. “ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАСИ ВА АЛОҲИДА ТАРМОҚЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Зарипова А., Зайналов Ж.Р.	Роль банка в обеспечении развития малого бизнеса	151
Taniyev A.B., Ro'ziyev B.	O'zbekistonda pensiya ta'minoti tizimining o'ziga xos xususiyatlari	154
Мусаев Р., Ахроров З., Сатторов Ш.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар молиявий барқарорлигини баҳолаш	158
Мамуржонов. Ш., Ахмедова А.Т.	Финансовые и реальные инвестиции оценка и методы их эффективности	164
Зайналов Дж.Р., Эргашев У.	Проблемы обеспечения устойчивости роста доходов местных бюджетов	167
Хасанов О.М.	Чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини солиқ механизмлари воситасида рағбатлантириш	169
Умаров Ш., Ахмедова А.Т.	Проблемы финансово-деловой активности предприятий сферы услуг	173
Намроев М., Ахроров В., Kabilov M.	Oilaviy tadbirkorlikni rivojida tijorat banklarining o'rni	176
VI ШҶҒБА. “ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАСИ ВА АЛОҲИДА ТАРМОҚЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКАНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Уразов К.Б., Эсонов О.	Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси субъ- ектларида қўшилган қиймат солиғи кўрсат- кичлари аудитининг методологик асослари	179